

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДУСЧАНОВ РАСУЛЖОН РАХИМБАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ  
(1946-1991 йй.)**

**07.00.01–Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022**

УЎК: 94(575.1): 338:336.225.613:323 (584.4)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Дусчанов Расулжон Рахимбаевич**

Ўзбекистонда совет давлатининг солиқ сиёсати

(1946-1991 йй.)..... 3

**Дусчанов Расулжон Рахимбаевич**

Налоговая политика советского государства в Узбекистане

(1946-1991 гг.)..... 27

**Duschanov Rasuljon Raximbayevich**

The tax policy of the soviet state in Uzbekistan (1946-1991) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДУСЧАНОВ РАСУЛЖОН РАХИМБАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ  
(1946-1991 йй.)**

**07.00.01–Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022**



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг барқарор ривожланаётган давлатларида солиқлар давлат бюджети даромадларини жалб қилишнинг оддий воситасидан репродуктив жараённинг асосий тартибга солувчи воситасига айланди. Солиқ маъмуриятчилиги тизимларига инновацион технологияларни киритиш, сунъий интеллектга асосланган автоматлаштирилган солиқ маъмуриятчилигини жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш, таҳлил жараёнларини автоматлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш каби устувор йўналишлар бугунги кунда жаҳон солиқ тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий омили бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида солиқ тизимини шаклланиш босқичлари ва солиқ хизмати эволюцияси, солиқ маъмуриятчилигини таҳлил қилиш, давлат солиқ сиёсатининг усуллари, иқтисодиёт тараққиётининг турли босқичларида солиқлар ундирилишини амалга ошириш методлари, солиқ турларининг ўзгариш динамикаси каби масалалар ўрганилмоқда. Шунингдек, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишда инновацион усулларни жорий этиш, минтақаларга фаол инвестиция жалб қилиниши жараёнида солиқ салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш ва халқ ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилувчи солиқ тизимини янада такомиллаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантиришга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда. “Барча бизнес лойиҳалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур<sup>1</sup>”лиги боис солиқ ислохотларини амалга оширишда жаҳоннинг илғор давлатлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда солиқ органлари фаолияти, тизимнинг ривожланиш ва ўзгариш тарихи ҳамда уларнинг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947 –сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 26 июнь ПҚ – 3802-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 10 июль ПҚ - 4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрь 807-сон “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

чора - тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий – маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси<sup>2</sup>.** Мавзуни тадқиқ этиш жараёнида совет давлатининг Ўзбекистондаги солиқ сиёсати даврий ва муаммовий тамойиллар асосида таҳлил этилиб, бунда совет даври ва мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар, тадқиқотлар ҳамда хорижда нашр этилган ишлар, мақолалар мавжуд. Совет даврида яратилган асарларда муаммога ёндашув коммунистик мафкураининг ғоявий таъсири остида бўлган ҳамда бу давр адабиётларида асосан совет солиқ сиёсатининг назарий томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Иттифоқдош республикаларда солиқлар сиёсати деярли ўрганилмади.

Мустақиллик даврида яратилган тадқиқотларда Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ёритишда турли даврлардаги солиқлар тарихига эътибор қаратилган бўлсада, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда совет давлатининг солиқ сиёсати тарихи етарли даражада ёритилмади, солиқ сиёсати тарихийлик нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмади. Шунингдек, мавжуд адабиётларда қишлоқ хўжалиги солиқларининг йиғими, солиқ соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими, ундаги муаммолар, ходимларнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ масалалар деярли тадқиқ этилмади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университети илмий - тадқиқот ишлари режаси ва ОТ-Ф1-109 “Ўзбекистонда ер - сув муносабатлари (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017-2020 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистонда совет давлатининг солиқ сиёсати ва уни амалга оширилиши тарихини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Иккинчи жаҳон уруши йиллари мамлакатда мавжуд солиқлар ва уларда белгиланган тартиблар, солиқ сиёсатининг қонуний асосларини ёритиб бериш;

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатда солиқлар йиғимини ташкил қилишнинг йўлга қўйилишини тадқиқ этиш;

совет давлатида солиқларни бекор қилиш борасида олиб борилган

---

<sup>2</sup> Муаммонинг ўрганилганлик даражаси диссертация биринчи бобининг “Мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги” номли параграфида батафсил ёритилган.

тадбирларни бирламчи манбалар ёрдамида ўрганиш;

Ўзбекистонда солиқларни йиғиш тартиби, ундаги муаммолар ва камчиликларни очиб бериш;

Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги солиқлари йиғимини кўрсатиб бериш; солиқ органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини таҳлил этиш; солиқларни ундириш, ундаги муаммолар, шунингдек, маҳаллий кадрларни хизматга жалб қилиниши билан боғлиқ масалаларни очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** 1946-1991 йилларда совет давлатининг Ўзбекистондаги солиқ сиёсати тарихи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** сифатида Ўзбекистонда совет давлати солиқ сиёсатининг моҳияти, республика иқтисодиётида солиқларнинг ўрни ва уларнинг ундирилиши ҳамда соҳадаги кадрлар масаласи билан боғлиқ жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик тамойили ва тизимли таҳлил, қиёсий-хронологик, кетма-кетлик, холислик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фуқароларнинг фронтга сафарбарлигини ошириш, етим болаларни боқиш ҳаражатларини қоплаш, демографик пасайишнинг олдини олиш учун дастлаб “бўйдоқ, ёлғиз ва фарзандсиз фуқаролар”, кейинчалик “бўйдоқ, ёлғиз ва кам болали фуқаролар” солиғи жорий этилганлиги ҳамда фуқароларни маошига қараб ишчи-хизматчи, адабиёт ва санъат вакиллари, колхозчи каби тоифаларга ажратган ҳолда солиқларни бир йилда тенг қисмларга бўлиб ундиришнинг вақтинчалик характер касб этганлиги аниқланган;

урушдан кейинги йиллардаги “социализм ва коммунизм жамияти” қуришдан иборат дастурий режалардаги солиқларни бекор қилиш сиёсати олий маълумотли солиқчи мутахассисларни тайёрлашга имкон бермаганлиги, солиқ ва йиғимлар бошқармаси давлат даромадлар бошқармаси таркибига киритилган бўлса-да, “қайта қуриш” йилларида давлат даромадларини ошириш зарурати туфайли Давлат Солиқ Бош инспекцияси, кейинчалик Давлат Солиқ Бош бошқармалари алоҳида муассаса сифатида қайта ташкил этилганлиги аниқланган;

солиқ йиғиш ишларини ташкил қилишда солиқ йиғувчиларнинг маҳаллий солиқ ва йиғимлар, хусусан, қурилиш солиғи, ер рентаси, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ, чорва моллари, колхоз бозорларида йиғиладиган бир марталик йиғимларни ҳисобга олишда масъулиятсизликка йўл қўйганлиги ҳамда бир марталик тўловларни қайта – қайта тўлатиш орқали қарздорликни ёпганликлари исботланган;

1953 йилда қабул қилинган қишлоқ хўжалиги солиғидан келиб чиқиб республика миқёсида картошка, сабзавот, боғдорчилик, полиз, тоқзорлар, донли экинлар, чорва моллари (махсулдор ва уй хўжалигида фойдаланилган ҳайвонлар)дан олинадиган солиқлар миқдори ҳудудга қараб турлича

белгиланганлиги, пичанзор, чўчка ва асалари уяларига тўланадиган солиқлар эса вилоятлар кесимида бир хил миқдорда тўланганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, музей фондларини янги маълумотлар ва экспонатлар билан тўлдирилишида фойдаланилган;

совет давлатининг Ўзбекистондаги солиқ сиёсати ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири билан боғлиқ жиҳатларга оид янги қарашлар ва таклифлардан Ўзбекистоннинг совет даври тарихига оид ўқув қўлланма ва дарсликларни мазмунан бойитишда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, катта ҳажмдаги манбалардан фойдаланилгани, Ўзбекистон Миллий архив фондидаги ҳужжатлар ва даврий матбуот материалларига таянилгани, тегишли хулоса, таклиф ҳамда тавсияларни амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг турли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти совет давлатининг солиқ сиёсати, солиқларни турлари, солиқларнинг пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлганлиги, унинг оқибатлари тарихи мавзусини тарихийлик, холислик, тизимлилик тамойиллари асосида ёритилиши мазкур муаммога оид методологик-услубий ёндашувлар ва назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти собиқ совет давлатининг иқтисодий сиёсатини ёритиб беришга қаратилган ўқув қўлланма ва дарсликларни ишлаб чиқишга, солиқ тизими эволюциясига бағишланган мақсадли давлат дастурларини бажарилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1946-1991 йилларда совет давлати солиқ сиёсати масаласига доир олинган илмий натижа ва таклифлардан:

1946-1990 йилларда Ўзбекистонда солиқ тизимининг шаклланиш тарихи ва унинг такомиллашув босқичлари юзасидан олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти ва солиқ техникумларида шу соҳа тизимининг ривожланиш тарихига мос бўлган ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрь 18/1-68306 сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар совет ҳукмронлиги даврида солиқ сиёсати, солиқларни йиғиш тартиби, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги солиқлар йиғими билан боғлиқ бўлган масалаларни тизимли ёритиб беришга хизмат қилган.

Солиқларни ундиришда маҳаллий аҳолининг совет давлати томонидан қатағон гирдобига тортилганлиги, хусусан, Инқилобий трибунал томонидан уларга нисбатан белгиланган солиқларни (қишлоқ хўжалик солиғи, сув

йиғими солиғи, ўзини – ўзи солиққа тортиш, бир марталик тўлов) умуман тўламаганликда айбланиб, жазога тортилганлиги ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи экспозицияларини бойитишга хизмат қилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2021 йил 31 май 138-сон маълумотномаси). Бу совет ҳокимияти йиллари шахсий хўжаликлар фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини йўқотиш учун ўзига тўқ деҳқонлар ва уларнинг оила аъзоларини чекка минтақаларга мажбурий кўчирилиши сталинча сургун қилиш концепциясининг туб моҳияти бўлганлигини, советларнинг қатағон сиёсати Ўзбекистондаги ижтимоий – иқтисодий жараёнларга ўз салбий таъсирини ўтказганлиги хусусидаги янгича тарихий тафаккурни шакллантиришга хизмат қилган.

Совет давлати ҳукмронлиги йилларида “бўйдоқ, ёлғиз ва фарзандсиз фуқаролар”, кейинчалик “кам болали фуқаролар” каби солиқлардан давлат бюджетини тўлдиришда фойдаланилганлиги, совет давлатининг солиқларни бекор қилиш ҳақидаги сиёсатини амалга ошириш борасидаги ҳаракатлари, Ўзбекистонда солиқлар ва уларни ундиришдаги ҳатоликлар, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги каби натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Мавзу” ва “Такдимот” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилди. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 октябрдаги 01-02-1624 – сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар совет солиқ сиёсатини амалга оширишда жуда катта нуқсонларга йўл қўйилганлиги, бюджет сиёсатида сарфлаш устун бўлганлиги, лекин уларнинг натижаси бўлмаганлиги илмий асосда ёритиб берилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида дастлаб “Бўйдоқ, ёлғиз ва фарзандсиз фуқаролар”, кейинчалик “бўйдоқ, ёлғиз ва кам болали фуқаролар” солиғи жорий этганлиги, мамлакат солиқ тизимида олий маълумотли кадрлар етишмаслиги, урушдан кейинги йилларда давлат даромадларини ошириш зарурати туфайли Давлат Солиқ Бош инспекцияси, кейинчалик Давлат Солиқ Бош бошқармалари алоҳида муассаса сифатида қайта ташкил этилганлиги, маҳаллий солиқ ва йиғимларни ҳисобга олишда масъул кадрлар томонидан эътиборсизликка йўл қўйганлиги ҳамда бир марталик тўловларни қайта – қайта тўлатиш орқали қарздорликни ёпганликлари, қишлоқ хўжалиги солиғидан келиб чиқиб республика миқёсида солиқлар миқдори худудга қараб турлича белгиланганлиги, баъзи солиқлар эса вилоятлар кесимида бир хил миқдорда тўланганлиги ҳақидаги натижалардан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Такдимот” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилди. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 25 майдаги 06-31-742 – сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар совет давлати солиқ сиёсатини амалга оширишда жуда катта нуқсонларга йўл қўйилганлиги, бюджет сиёсатида сарфлаш устун бўлганлиги, лекин уларнинг натижаси

бўлмаганлиги илмий асосда ёритишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та, халқаро конференцияда ҳамда 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, (7 та республика ва 3 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳамжи.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ҳамда адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 127 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда совет давлати солиқ сиёсатининг манбашунослиги ва тарихшунослиги”** деб номланиб, унда мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги, Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатда мавжуд бўлган солиқлар ва уларда белгиланган тартиблар ҳамда урушдан кейинги йилларда совет давлати солиқ сиёсатининг қонуний асослари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган фондлар ҳужжатларида совет давлати солиқ сиёсатини ёритишга бағишланган қимматли маълумотлар учрайди. Хусусан, Р-2454 – Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фонди, Р-837 – Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фонди, Р-1714 – Ўзбекистон ССР Олий Суди фонди, Р-93 – Ўзбекистон ССР Молия министрлиги фонди, Р-2881 – Давлат солиқ бош бошқармаси фонди, Қашқадарё вилоят давлат архивларида сақланаётган Ф-51 – Қашқадарё областининг молия бўлими, Хоразм вилояти давлат архиви Ф-40 – Хоразм область молия бўлимлари фондларини киритиш мумкин. Бу ҳужжатларда Иккинчи жаҳон урушидан кейин совет ҳукуматининг солиқ сиёсати борасида эътиборга молик маълумотлар, жумладан, Р-837 – Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фондида Иккинчи жаҳон урушидан сўнг молия органлари солиқ тўловчилар ва уларнинг даромадларини ҳисобга олиш тўғри ташкил этилмаганлиги, солиқ инспекторларининг ёрдамчилари, солиқ агентлари ва солиқ ҳисобчиларига солиқ ҳисобини мустақил амалга ошириш вазифаси топширилган ҳолда, уй хўжаликларидан маълумот олмаганлиги

ҳамда колхозчилар хўжаликларидаги томорқаларнинг ўлчовлари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа назорат материалларидан тўлиқ фойдаланилмаганлиги ҳақида бир қатор маълумотлар учрайди. Шунингдек, ҳужжатларда баъзи хўжаликлар ҳисобга киритилмай қолганлиги, экинлар, чорва, дарахтлар ва дехқончилик билан боғлиқ бўлмаган даромадлар тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги, оила аъзолари эса нотўғри ҳисобга олинганлиги<sup>3</sup> ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, 1946 йил 1 январда бекор қилинган<sup>4</sup> ҳарбий солиқ Республика бўйича эса қуйидагича бўлган. Тошкент вилоятида ҳар бир хўжалик аъзоси учун тўланадиган ҳарбий солиқ 370 рублни ташкил этган бўлса, Андижон вилоятида 480 рублни, Сурхондарё вилоятида 420 рублни, Хоразмда 350 рублни, Самарқандда 460 рублни, Фарғона вилоятида 360 рублни, Наманган вилоятида 460 рублни, Бухоро вилоятида 470 рублни, Қорақалпоғистон АССРда 390 рубль<sup>5</sup>, бу солиққа амал қилиш даврида тушумлар 7,2 млрд. рублни ташкил этган<sup>6</sup>. Ўзбекистон ССР Молия министрлиги фондидаги (Р-93) материалларда солиқ органларидаги кадрлар масаласи билан боғлиқ кўплаб қимматли маълумотлар ҳам келтирилган<sup>7</sup>.

Тадқиқ этилаётган йилларда вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалар мафкуравий таъсир остида ёзилган бўлсада, совет давлати солиқ сиёсати, айниқса, 1960 йиллардаги солиқларга киритилган ўзгаришлар ҳақида кўплаб маълумотлар беради<sup>8</sup>.

Совет давлати солиқ сиёсатининг у ёки бу жиҳатларини ўрганган бир қатор ишлар борлигини таъкидлаш лозим. Мавзуга оид бўлган адабиётлар таҳлилини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳга совет давлати ҳукмронлиги йилларида яратилган асарлар<sup>9</sup>, иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида яратилган асарлар, мақолалар, илмий тадқиқот ишлари<sup>10</sup>, учинчи гуруҳга мавзуга оид хорижда яратилган асарларни

<sup>3</sup> ЎзМА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 5446-йиғмажилд, 34-варақ.

<sup>4</sup> Жўраев Ш., Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. – Бухоро, 2004. – Б. 47.

<sup>5</sup> ЎзМА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3747-йиғмажилд, 265-варақ.

<sup>6</sup> ЎзМА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 6190-йиғмажилд, 4-варақ.

<sup>7</sup> ЎзМА, Р-93-фонд, 15-рўйхат, 1251-йиғмажилд, 227-варақ.

<sup>8</sup> Аминова Р. Тарих билмайди // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 14 май; Аминов О. Маъмурчилик мевалари // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 14 май; Совет Иттифоқида солиқлар йўқолмоқда // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 14 май; Иш ҳақи кўпайди // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 14 май; Солиқ бўлмагач... // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 14 май.; Солиқ буғмоқда. Турмуш аччиқ // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 14 май; Солиқларсиз юксалаётган мамлакат // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 14 май.; Налоги отменяются. Все для человека // Правда Востока 17 мая 1960 года.; Налоги растут // Правда Востока 17 мая 1960 года.

<sup>9</sup> Плановое хозяйство. Политико-экономический журнал Госплана СССР. – Москва: Калужская топография Росполиграфпром, 1952, №2. – С. 96.; Марьяхин Г. Очерки истории налогов в СССР. – Москва: Госфиниздат, 1964. – С.318.; Дьяченко В. История финансов СССР. – Москва: Наука, 1978. – С. 86.; Гайдар Е. Экономические реформы и иерархические структуры. – Москва: Наука, 1990. – С. 264.

<sup>10</sup> Жўраев Ш., Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. – Бухоро, 2004. – 78 бет.; Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. – Тошкент, 2009. – 180 бет.; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 480 бет.; Жўраев А.С., Сафарова Ф.А., Мейлиев О.Р. Солиқлар назарияси. – Тошкент, 2019. – 376 бет.; Бабаджанов Х. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар. Тарих.фан.бўйича фал. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018. – 22 бет.; Сафарова З. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти. Тарих.фан.бўйича фал. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2020. – 24 бет.; Худаёров А. Ўзбекистонда

киритиш мумкин<sup>11</sup>.

Совет давлати ҳукмронлиги йиллари яратилган асарларда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда солиқ тизимининг шакллантирилиши ҳақида сўз бориб, уларда табиийки, совет солиқ сиёсати, бу даврдаги ўзгаришлар ижобий баҳоланган.

Мустақиллик йиллари мавзуга яқин ишлар бўлиб, уларда муаллифлар совет даврида солиқларнинг турлари, функциялари, ундаги зиддиятлар, совет давридаги солиқлар тизимининг натижалари<sup>12</sup>, солиқ сиёсатининг 6 та даврга бўлинганлиги<sup>13</sup>, Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар таҳлил қилиб берилган<sup>14</sup>.

Хориж тадқиқотларида совет бюджет сиёсати, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейинги йилларда совет солиқ сиёсатининг олиб борилиши каби жараёнлар, жумладан, Иккинчи жаҳон урушининг мамлакатга келтирган зарари, мамлакат айланма фондини инқироз ёқасига келиб қолиши сабаблари<sup>15</sup>, СССРнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги солиқ сиёсати<sup>16</sup>,

---

солиқ тизими тарихи (1991-2019 йй). Тарих. фан. бўйича фал. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2021. – 24 бет.

<sup>11</sup> Alec Nove. An Economic History of the USSR. – England, 1990. – P. 428.; Синельников С. Бюджетный кризис в России: 1985-1995 годы. – Москва, 1995.; Боффа Дж. От СССР к России. История неоконченного кризиса. 1964-1994. Пер. с итал. – Москва, 1996. – С. 442.; Попов В.П. Крестьянские налоги в 40-е годы // Социологические исследования. 1997, №2. – С. 95-114.; Пихоя Р.Г. Советский Союз: история власти. 1945-1991. – Москва: Изд. РАГС, 1998. – С. 736.; Шубин А.В. От “застоя” к реформам. СССР в 1977-1985 гг. – Москва: РОССПЭН, 2000. – С. 618.; Караваева И.В. Налоговое регулирование рыночной экономики: Учеб. Пособ. Для вузов. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – С. 215.; Толкушин А.В. История налогов в России. – Москва: Юристъ, 2001. – С. 432.; Пинская М.Р. Основы теории налогов и налогообложения. – Москва: Изд. “Палеотин”, 2004. – С. 214.; Сумцова Н.В., Мамыкина Н.Н. анализ эволюции Российской налоговой системы в контексте налоговой политики // Финансы и кредит. 2004, 28 (166). – С. 2-6.; Лыкова Л.Н. Налоги и налогообложение в России. Учебник. 2-е изд. – Москва: Дело, 2006. – С. 384.; Хантаева Н.Л. Теоретические основы налогообложения. Уч.пособие. – Улан-Удэ: Изд. ВСГТУ, 2006. – С. 174.; Тарасова В.Ф. Налоги и налогообложение: Учеб. пособ. – Москва: КНОРУС, 2007. – С. 320.; Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века. – Челябинск: ООО Энциклопедия, 2009. – С. 571.; Налоги и налогообложение. 6-е изд. – Санкт – Петербург: Питер, 2009. – С. 528.; Налоги и налогообложение. Учебник. – Курск, 2010. – С. 356.; Yanni Kotsonis Taxes and citizenship in the Russian empire and early soviet republic. - London, 2014 y. – P. 632.; Едронова В.Н., Телегус А.В. Элементы подоходного налогообложения физических лиц в налоговой политике советского периода // Финансы и кредит. 2015, №40. – С. 51-64.; Слепнева Л.Р. Транспортное налогообложение: история развития и направления совершенствования // Вестник Бурятского Государственного университета. 2015, №2. – С. 88-95.; Вознесенский Н.А. Военная экономика СССР в период Отечественной войны Проблемный анализ и государственно-управленческое проектирование. Выпуск 3, Тема номера: “Великая Отечественная война: истоки победы”. 2015. – С. 6-33.; Гритчина М.Н. Налоговая политика в годы Великой Отечественной войны // Региональная экономика: теория и практика. 2015, №40. – С. 58-66.; Yanni Kotsonis. Taxes and Citizenship in the Russian Empire and Early Soviet Republic. – Toronto, 2016. – P. 483.; Сидорова А.В., Цельникер Г.Ф. Реформирование транспортного налога: история и современность // Вестник Волжского университета им. В.Н. Татищева. 2017, №3, том 1. – С. 88-95.; Григорьев В.В. Эволюция развития имущественного налогообложения физических лиц в России в XX веке // Евразийская адвокатура. 2018, 1(32), – С.11-14.; Артемьева О.А., Тропина Ю.Э. История развития транспортного налога в России // “Вектор экономики”. 2020, №10. / [www.vectoreconomy.ru/](http://www.vectoreconomy.ru/). Alec Nove. An Economic History of the USSR. – England, 1990. – P. 428.; Parthasarathi Shome. Taxation History, Theory, Law and Administration. – London, 2021. – P. 507. ва б.

<sup>12</sup> Жўраев Ш., Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. – Бухоро, 2004. – Б. 98.

<sup>13</sup> Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. – Тошкент, 2009. – Б. 136.

<sup>14</sup> Бабаджанов Х. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар. Тарих. фан. бўйича фал. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 17.; Артемьева О.А., Тропина Ю.Э. История развития транспортного налога в России // “Вектор экономики”. 2020, №10. / [www.vectoreconomy.ru/](http://www.vectoreconomy.ru/).

<sup>15</sup> Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны проблемный анализ и

транспорт солиғи<sup>17</sup>, ҳарбий солиқ ва унинг амалга оширилиши<sup>18</sup> каби масалалар таҳлил этилган. Лекин, уларнинг бирортасида Ўзбекистон ҳақида маълумотлар учрамайди.

СССР бюджетининг тузилиши СССР Конституцияси билан мустаҳкамланган бўлиб, иттифоқдош республикаларнинг ваколатларини чегаралаш СССР ва иттифоқдош республикаларнинг бюджет ҳуқуқлари тўғрисидаги Низом, МИҚ ва СССР ХКСнинг 1931 йил 21 декабрдаги “Республика ва маҳаллий бюджетлар” тўғрисидаги қарор ҳамда 1959 йил 30 октябрдаги СССР ва иттифоқдош республикаларнинг бюджет ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонун билан белгиланган эди. СССРда давлат тузуми иттифоқдош давлат – федерация бўлганлиги сабабли совет ҳукумати давлат бюджетини ва иттифоқдош республикалар бюджетини бирлаштирган эди. У ўз ичига иттифоқдош республикалар давлат бюджети, автоном республикаларнинг давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларни (област, ўлка), республикаларга бўйсунувчи шаҳар бюджетларини, ишчилар поселкаси бюджетларини, қишлоқ Кенгашлари бюджетларини олган эди<sup>19</sup>.

Бюджет даромадларининг асосий манбаси – хўжалик органлари, корхоналар, ташкилотларнинг пул жамғармалари бўлиб, улар мажбурий бўлган. Шу сабабли давлат, кооператив (колхозлар ҳам шуни ичида), жамоат ташкилотларидан олинadиган, бироқ ўз вақтида тўланмаган солиқлар баҳс мунозарасиз йиғилган. Агар бюджетга тўловлар фуқаролар томонидан амалга оширилмаса халқ судлари ёрдамида ундирилган.

Иттифоқдош республикалар бюджети эса унинг умуммиллий ва маъмурий – ҳудудий тузилиши орқали аниқланар ва республика Олий кенгаши томонидан ўрнатилар эди. 1956 йилдан иттифоқдош республикаларнинг давлат бюджетидан даромад ва ҳаражатлар, СССР давлат бюджети, республика ва маҳаллий бюджетларга бўлинмасдан белгиланди. Даромад ва ҳаражатларни чеклаш ҳам республикалар томонидан ўрнатилди. Шунингдек, иттифоқдош республикалар бюджетдан ортган кўшимча даромадларни сарфлаш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар. Бу СССР ва иттифоқдош республикаларнинг 1959 йил 30 октябрь бюджет ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамлаб кўйилган эди. Иттифоқдош республикалар бюджетига республика ва маҳаллий бўйсунувдаги давлат корхоналари ва хўжалик ташкилотлари даромадларидан тўловлар, ўрмон даромади, колхозлардан олинadиган даромад солиғи, шунингдек кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг даромад солиқлари, кинофильмлар намоишидан

---

государственно-управленческое проектирование. Вып.3, Тема номера: “Великая Отечественная война: истоки победы”. 2015. – С.31-31. file:///C:/Users/User/Downloads/170-222-1-PB.pdf.; Гритчина М.Налоговая политика в годы Великой Отечественной войны // Региональная экономика: теория и практика. 2015, №40. – С. 58-66.

<sup>16</sup> Толкушкин А.В. История налогов в России. – Москва: Юристъ, 2001. – С. 132.

<sup>17</sup> Артемьева О, Тропина Ю. История развития транспортного налога в России // Электронный научный журнал “Вектор экономики”. 2020, №10. / Вектор экономики /www.vectoreconomy.ru.

<sup>18</sup> Григорьев В.В. Эволюция имущественного налогообложения физических лиц в России в XX веке // Евразийская адвокатура. 2018, №1. – С. 11.

<sup>19</sup> Толкушкин А.В. История налогов в России. – Москва: Юристъ, 2001. – С. 225.

қанча даромадлар ва бошқа солиқлар келиб тушган.

Совет давлати ҳукмронлиги йилларидаги муҳим солиқлардан бири бу қишлоқ хўжалик солиғи эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда вайрон бўлган саноатни тиклаш мақсадида саноат солиқларидаги имтиёзларнинг кўпайтирилиши билан бир вақтда қишлоқ хўжалик солиқлари уруш даври ставкалари даражасида сақланиб қолди. Айти пайтда Иккинчи жаҳон уруши йиллари аҳолидан олинган солиқ 4,2 мартага ўсди. Давлат ташкилотларидан олинган солиқ бўлса 21,4 фоизга ўсди. Бутун уруш йилларида аҳолидан олинган солиқ ва йиғимлар 133 млрд. рублни ташкил этиб, бу бюджет даромадининг 11,9 фоизини ташкил этган эди<sup>20</sup>.

Ўзбекистонда ҳам урушнинг дастлабки кунларидан мудофаа жамғармасини ташкил этиш мақсадида ишчилар, колхозчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, коммунистик шанбаликлардан ишлаб топилган пулларни, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлар, давлат заёмлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини топширдилар. Умуман, республика аҳолисидан урушнинг дастлабки кунларидаёқ 30 млн. рублик миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо бойликлар тушди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йиллари мудофаа жамғармасига жами 649,9 млн. рубль пул, 22 кг. олтин ва кумуш топширди<sup>21</sup>.

Қишлоқда молиявий имкониятларни максимал даражада сафарбар этиш натижасида 1947 йилга келиб уруш даврида жорий этилган карточка таъминоти тизими бекор қилинди<sup>22</sup>. Лекин, 1948 йил 13 июлда СССР Олий Совети Президиумининг “Қишлоқ хўжалиги солиғи 8, 23, 25 моддаларини ўзгартириш тўғрисида”ги кўрсатмасига биноан қишлоқ хўжалик солиғи ставкаларининг оширилиши ва мавжуд имтиёзларнинг қисқартирилиши аҳоли моддий аҳволни янада оғирлашувига сабаб бўлди. Айти пайтда солиқ тизимини изга солиш, урушдан кейинги хонавайрон бўлган ерларни тиклашда давлат бюджетини тўлдириб берувчи солиқлар тизимини ислоҳ қилиш зарурати юзага келган эди. Шу мақсадда бир қатор қарорлар қабул қилинди<sup>23</sup>.

1953 йил 8 августда “Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, вақт ўтиши билан унга янги ўзгартиришлар киритиб борилди<sup>24</sup>. Қонун қишлоқ хўжалиги ҳақидаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб қолди. 1971 йил 21 декабрдаги СССР Олий Совети Президиумининг “Қишлоқ хўжалиги тўғрисида”ги “СССР Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Фармонида бўлса, СССР Олий Совети

<sup>20</sup> Черник Д., Шмелев Ю. Теория и история налогообложения. Учебник. – Москва: Юрайт, 2016. – С. 141-142.

<sup>21</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 12.

<sup>22</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Мурожат килинган сана 30 декабрь 2021 йил.](https://ru.wikipedia.org/wiki/Мурожат_килинган_сана_30_декабрь_2021_йил)

<sup>23</sup> Закон СССР от 7 мая 1960 г. “Об отмене налогов с заработной платы трудящихся и служащих”; Указ Президиума Верховного Совета СССР от 26 января 1981 г. №3819-Х “О местных налогах и сборах”; Закон СССР от 23 марта 1990 г. №1443-1 “О подоходном налоге с граждан и лиц без гражданства”; Закон РСФСР от 18 октября 1991 г. №1759-1 “О дорожных фондах в РСФСР”.

<sup>24</sup> Сборник законов СССР. 1938-1961. – Москва: Изд. Советов народных депутатов СССР, 1971. – С. 680.

Президиумининг “Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритилиб, солиқларни икки муддатда 15 август ва 15 октябрда тўлаш белгилаб қўйилди. Лекин ўзгартиришлар фақат 1984 йил 15 январдан кучга кирди<sup>25</sup>.

1990 йил 14 июнда “Корхона, бирлашма, ташкилотлар солиғи тўғрисида”ги СССР Қонуни чиқди. Бу Қонун номи келтирилган корхоналарнинг даромад солиғи, айланма солиқ, импорт ва экспорт солиғини белгилаб берди. 1990 йил “Бўйдоқ, ёлғиз ва кам болали СССР фуқароларидан олинадиган солиқни босқичма – босқич тугатиш тўғрисида”ги СССР Қонуни чиқди. Унга кўра бу солиқни тугатиш 1990 йил 1 июлдан 1993 йил 1 январгача амалга ошириладиган бўлди<sup>26</sup>.

Шундай қилиб, тадқиқ этилаётган йилларда солиқ тўловларини йиғиш ва бюджетга тушириш тизими ҳам ўзгартирилди. Ушбу ислохотлар солиқ тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлсада, лекин солиқ соҳаси мавжуд иқтисодий қарашлар негизда ривожлантирилди, жумладан, режали иқтисодиёт, саноат корхоналарининг маблағларни мустақил бошқара олмаслиги, мулкчилик шаклларидаги ўзига хосликлар тизимдаги камчиликларни юзага келтирган эди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистонда солиқларни йиғиш тартибини йўлга қўйилиши ҳамда ундаги муаммо ва камчиликлар**” деб номланиб, унда Ўзбекистонда солиқлар йиғимини ташкил қилишнинг йўлга қўйилиши ва давлат солиқ сиёсати, Ўзбекистонда солиқларни йиғиш тартиби, ундаги муаммолар ва камчиликлар каби масалалар таҳлил қилинган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин совет мамлакатада солиқ тизими совет хўжалигига асосланган ҳолда аста-секинлик билан ўзгартириб борилди. Уруш ва урушдина кейинги йилларда оккупация қилинган ҳудудларда сохта пуллар кўпайиб, давлат ғазнасига маблағ келиб тушиши кескин пасайиб кетди, пул маблағлари бозорларда чайқовчилар томонидан айланиб, аҳоли пулни қўлда сақлаб туришни лозим топди<sup>27</sup>. Давлатнинг молия ва пул масаласида аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишдан бошқа чораси қолмади, 1946 йилда пул ислохотларига тайёргарлик бошланди. Шу йиллардаги қурғоқчилик туфайли, кўрилган талафотлар қисман тугатилгандан сўнг 1947 йил 13 декабрда СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) МҚнинг “Озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига карточка тизимини бекор қилиш ва пул ислохотларини ўтказиш тўғрисида”ги Фармони<sup>28</sup> чиқди. Фармон асосида ислохотлар 1947 йилнинг 16 декабридан 29 декабригача бўлган муддатда ўтказилди. Натижада мамлакатда сохта пулларни айланишига барҳам берилиб, чайқовчилик камайди, банкларга фоизга қўйилган маблағлар ортиб, саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш

<sup>25</sup> <http://history-of-taxes.narod.ru/5.html>.

<sup>26</sup> Майбуrow И.А, Теория и история налогообложения. Учебник. – Москва: ЮРИТИ–ДАНА, 2007. – С. 64-65.

<sup>27</sup> Ломшин В. Денежная реформа 1947 г. и отмена карточной системы // Регионология. 2010, № 271. – С. 314.

<sup>28</sup> // Известия. 14 декабря 1947 г.

қисман йўлга қўйилди<sup>29</sup>.

1953 йилда “Қишлоқ хўжалиги солиғи” тўғрисидаги қонун ҳам солиқ соҳасида янги тизимни бошлаб берди<sup>30</sup>. 1959 йил 30 октябрда “Иттифоқдош Республикалар ва СССР Иттифоқининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида”ги<sup>31</sup> Қонун ҳам қабул қилинди. Бу Қонун ҳам иттифоқдош республикаларга маълум даражада ўз ҳуқуқларини белгилаш имконини берди. Улар республика бюджетларини тузишда, кўриб чиқишда, тасдиқлашда ва бажаришда маълум эркинликларга эга бўлдилар<sup>32</sup>.

Албатта, ушбу янги тизим колхозлар иқтисодиётини ва қишлоқларни маъмур қилишда муайян даражада хизмат қилди. Бунга маҳсулот тайёрлаш баҳоларининг камайтирилганлигини, МТСларга натура ҳақи, колхозчиларнинг томорқаларидан олинадиган мажбуриятларнинг бекор қилинганлигини, 1953 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги солиқларининг икки ярим баравар пасайтирилганлигини кўриш мумкин<sup>33</sup>. Бироқ, совет ислохотлари давомида эришилган маълум ютуқлар ҳамда сиёсий қарашлар ҳисобига гўёки “октябрь давлат тўнтаришидан сўнг совет давлатида солиқларнинг роли принципиал даражада ўзгарганлиги, бу вақтда капиталистик жамиятда солиқлардан меҳнаткашларни эксплуатация қилишдаги кўшимча қурол сифатида фойдаланиб келинаётганлиги, СССРнинг миллий даромади эса асосан саноатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни, савдони ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини режали равишда ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини оширишга ҳамда давлатнинг бошқа эҳтиёжларига сарфланиши<sup>34</sup>” каби баландпарвоз қарашлар асосида солиқ соҳасида маълум ўзгаришлар қилишга киришилди. “Совет давлати молияси ва кучли барқарор бюджети”, билан маблағни беҳудага сарфлаш томон йўл тута бошлади. Баландпарвоз шиорлар билан қурилган иқтисодиётдаги оқсашлар, давлат мулкани талон-тарож қилиш ҳолатлари, кишилардаги масъулиятсизлик халқ хўжалигини тўлиқ тиклаш имконини бермади ва табиийки, давлат бюджетининг бекорга сарфланиши ҳолатлари кучайиб борди.

1960 йил СССР Олий Советида маъруза қилган КПСС МҚ Бош қотиби Н.Хрушчев “миллий даромад 1959 йилда 1958 йилга нисбатан 8 фоиз ёки тахминан 100 миллиард сўм миқдорда ошганлиги, режага кўра миллий даромад 9 фоизга кўпайганлиги ва тахминан 450 млрд сўмга етганлигини” ҳамда “миллий даромад тўхтовсиз ўсиб бориши асосида ишчи ва хизматчи-

<sup>29</sup> Петренко В. О необходимости и результатах денежной реформы 1947 года в Советском Союзе // ВЕСТНИК КамчатГУ. 2018, №43. – С. 56.

<sup>30</sup> Петухова Н.Е. История налогообложения в России IX-XX вв.– Москва: Вузовский учебник, 2008. – С. 360-361.

<sup>31</sup> Чернопятов А.М. Налоги и налогообложение. Учебник. – Москва-Берлин: DirectMEDIA, 2019. – С. 45

<sup>32</sup> Плановое хозяйство. Политико-экономический журнал Госплана СССР. 1952, №2. – Москва: Калужская типография, 1952. – С.10.

<sup>33</sup> Иш ҳақи кўпайди // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 14 май.

<sup>34</sup> Ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларни бекор қилиш ҳамда совет халқининг фаровонлигини оширишга қаратилган бошқа тадбирлар тўғрисида. СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ Н. Хрушчев доклади // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 6 май.

ларнинг иш ҳақи, давлат ҳисобидан берилаётган тўловлар ва имтиёзларни кўшиб ҳисоблаганда, 1959 йилда 1940 йилга нисбатан 2,2 баравар ошганлиги, 1953 йилдан 1959 йилга қадар бўлган давр ичида СССРдаги ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари 45 фоизга кўпайганлиги, деҳқонларнинг реал даромадлари эса 64 фоизга кўпайганлиги”ни, “солиқлардан қутилиш – меҳнаткашларнинг азалий орзуси” эканлиги таъкидлади<sup>35</sup>. Шундан сўнг 1960 йил 7 майда “Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан солиқлар олишни бекор қилиш тўғрисида”ги Қонун чиқди. Унда даромад солиғи ҳамда СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам болали фуқароларга солинадиган солиқни ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олиш 1965 йил 1 октябрдан бошлаб батамом бекор қилиш белгиланди<sup>36</sup>. 1964 йил СССР Олий совети “Таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида хизмат қилувчи аҳоли ойлик маошларини ошириш тўғриси”ги Қонун қабул қилинди. 1964 йил 23 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети 1965 йилга давлат бюджетини тасдиқлади.

Шу йилларда Ўзбекистон етти йилликни 1.840.681 минг рубль даромад, 1.840.486 минг ҳаражат ва 2.195 минг даромад билан тугатган бўлса,<sup>37</sup> юқоридаги қонунга кўра Ўзбекистон ижтимоий-маданий ташкилотлар ходимларининг маоши 84 млн. рублга ошириш белгиланди<sup>38</sup>. Айни пайтда биргина ижтимоий-маданий томошаларга 1965 йилнинг ўзида 923.341 минг рубль сарфлаш белгиланди. Бу 1964 йилга нисбатан 128.117 минг рубль, ёки 16,1 фоизга ошиқ қилиб белгиланди. Етти йиллик режани 2.195 минг даромад билан тугатган республика бюджетига биргина ижтимоий-маданий тадбирларга белгиланган маблағнинг ўзи совет хўжасизлигининг бир кўриниши эди. 1965 йилдан колхозларни даромад солиғига тортиш тизими ҳам ислоҳ қилинди<sup>39</sup>. Шундай қилиб, бу даврда совет ҳукумати томонидан иқтисодиётга бозор механимининг элементларини киритиш учун солиқ тизимини такомиллаштиришга ҳаракат қилинди, аммо амалда буни имкони бўлмади, чунки СССРда маъмурий-буйруқбозлик тизими ва режали иқтисодий сиёсат амалиётда давом этаётган эди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар ҳам ўз самарасини бермади<sup>40</sup>.

Совет ҳукуматининг навбатдаги солиқ ишлари ҳам асосан ишни тартибга солиш, солиқларни ислоҳ қилиб боришдан иборат бўлди. Чунки, 1970 йилларга келганда ҳам солиқларни ундиришда катта муаммолар

---

<sup>35</sup> Ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларни бекор қилиш ҳамда совет халқининг фаровонлигини оширишга қаратилган бошқа тадбирлар тўғрисида. СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ Н. Хрущев доклади // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 6 май.

<sup>36</sup> Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан солиқлар олишни бекор қилиш тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. 1960 йил 10 май.

<sup>37</sup> Муратходжаев В. Бюджет завершающего года семилетки // Экономика и жизнь. Март 1965 г. – С. 8.

<sup>38</sup> Муратходжаев В. Бюджет завершающего года семилетки ... С. 9.

<sup>39</sup> Ушак Н.В. Теория и история налогообложения. Учебное пособие. / Н.В.Ушак. – Москва: Кнорус, 2009. – С. 292-294.

<sup>40</sup> Петухова Н.Е. История налогообложения в России IX-XX вв. Учебное пособие. – Москва: Вузовский учебник, 2008. – С. 373-374.

сақланиб қолган эди. Солиқ йиғимлари ва у билан боғлиқ ҳисоботларни тартибга солиш мақсадида 1976 йил 11 июнда СССР Министрлар Советининг “Молия органларида давлат даромадларини ҳисобини киритиш тўғрисида”ги йўлланма, 1976 йил 24 июнда “Статистик табелларни формага солиш ҳаракатлари тўғрисида”ги буйруғи эълон қилинди. Уларда ҳам солиқларни тартиб билан ундириш масалалари кўтарилган бўлсада, республикаларда бунга тўлиқ риоя қилинмади.

1985 йилда совет жамиятида бошланган “қайта қуриш” билан боғлиқ равишда, бюджетга тушадиган тўловлар тизимини тубдан ислоҳ қилиш бошланди. Ушбу давр солиқ ислоҳотларининг муҳим чора-тадбирларидан бири бу 1986 йил давлат фуқароларнинг индивидуал меҳнат фаолияти руҳсат этилган соҳалар миқёси янада кенгайтириш бўлди<sup>41</sup>. 1987 йил 30 июнда қабул қилинган “Давлат корхонаси (уюшмаси) тўғрисидаги” СССР Қонун иқтисодий бошқарув усуллариининг аҳамиятини ошириш, корхоналарда реал иқтисодий ҳисоб-китоб ва ўзини-ўзи молиялаштириш механизмининг яратишга қаратилди. Натижада давлат корхоналари ҳолатидаги ўзгаришлар мажбурий тўловлар тизими ўзгарди<sup>42</sup>. Иқтисодий фаолиятнинг айрим соҳаларини солиққа тортиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари СССРнинг 1990 йил 14 июндаги “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Қонунда тизимлаштирилди.

Ўзбекистонда ҳам давлат бюджетини тўлдирувчи асосий республикалардан бири бўлган. Масалан, 1946 йил 13 апрелда Ўзбекистон КП(б) МҚнинг “Давлатни алдаш ва молия органлари фаолиятида солиқ сиёсатининг бузилиши фактлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Бироқ, ўша вақтнинг ўзидаёқ Қарорнинг асосий қисми бажарилмади. Республикада 1949 йил 1 июль ҳолатига солиқлар бўйича 50 млн. рублдан ортиқ қарзлар тўпланиб қолди<sup>43</sup>.

1949 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП(б) МҚ Ўзбекистон ССР Молия министрига солиқ ишидаги жиддий камчиликларни бартараф қилиш ва маҳаллий молия органларида лозим бўлган давлат тартибини ўрнатиш бўйича тезкор чоралар кўриш, молия органларининг солиқ тушумлари режаларини бажариш бўйича тизимли асосидаги фаолиятини таъминлаш, колхозлардан олинадиган даромад солиғини аванс тўловлар тартибида кўп миқдорда ундириш амалиётига барҳам бериш, кадрларни танлаш ва тарбиялаш бўйича ишларни ривожлантириш, уларнинг “сиёсий” фазилатларини оширишни таъминлаш, молиявий аппаратга маҳаллий миллатларга мансуб бўлган ходимлар ҳамда аёлларни жалб қилиш, вилоятлар молия бўлимларида назорат-тафтиш ишлари ҳамда тафтиш материаллари ижросини назорат қилишни тартибга солиш, солиқ ревизияларининг сифатини ошириш, сохта ҳисоботлар

<sup>41</sup> Петухова Н.Е. История налогообложения в России IX-XX вв ... С. 375.

<sup>42</sup> Ушак Н.В. Теория и история налогообложения. Учебное пособие. / Н.В.Ушак. – Москва: Кнорус, 2009. – С. 292-299.

<sup>43</sup> Қашқадарё ВДА, 51-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғмажилд, 6-7-варақлар.

топшириш ҳолатларини йўқ қилиш ва бунда айбдор бўлган шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш<sup>44</sup> каби вазифалари юклатилди.

Бундай камчиликлар эса мунтазам учраб турган, масалан, Фарғона водийсида солиқлар суммасини ҳисоблаш ва аҳолидан солиқларни ундириш ишлари ўта қониқарсиз бўлган<sup>45</sup>, Қашқадарё вилоятида ҳам бир марталик тўловлар қайта-қайта тўланган, қарзларни ундириш ҳам самарали ташкил этилмаган<sup>46</sup>. Солиқ тўловчилар орасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва солиқлар бўйича қарзлар тўлиқ ундирилишини таъминлаш ўрнига, баъзи молия органлари асоссиз ва ноқонуний йўллар билан қарздорликни ҳам ёпганлар. Масалан, 1948 йилда гўёки солиқ тўловчилар район ва шаҳардан чиқиб кетганлиги ёки солиқ тўлашга қурби етмаслиги сабабли, Хива туман молия бўлими қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича 80.800 рублдан, Урганч шаҳар молия бўлими эса косиблар тўлаши лозим бўлган даромад солиғи бўйича 229.000 рублдан кечиб юборган<sup>47</sup>. Солиқ қонунчилигининг қўпол тарзда бузилиши ҳолатлари меҳнаткашлар томонидан улар нотўғри солиққа тортилаётганлиги тўғрисида кўплаб шикоят аризалари келиб тушишига олиб келган. 1948 йилда Хива тумани бўйича 479 та шикоят аризаси келиб тушган, улар ҳам кўп ҳолларда жуда кеч, ҳатто 4 ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилган<sup>48</sup>.

1967 йилда Ўзбекистон ССР Молия министрлиги қишлоқ хўжалик солиқлари, шаҳар ва маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг йиғилиши бўйича 11 та вилоятдаги 7 та молия органларида текширув ишларини ўтказган вақтда ҳам солиқларни йиғиш бўйича камчиликлар борлиги аниқланган. Бу камчиликлар республикадаги барча молия органларига шу йили декабрь ойида хат орқали юборилди. Хатдаги топшириқлар ўтказилган текширувлар асосида берилган бўлиб, уларнинг натижасида 1968 йилнинг биринчи кварталда барча колхоз ва совхозларнинг молия органларида колхозчилар ерлари рўйхатга олинди. 19 мартга келиб молия органлари барча 1025 та колхозлардан ерлари бор колхозчиларнинг рўйхати олиниб, 367 та колхоздаги 4791 колхозчининг қишлоқ хўжалик солиқларини тўлаши лозимлиги аниқланди<sup>49</sup>. Лекин, қишлоқ хўжалик солиқларини ундириш хатоликлар билан давом этиб келаверди<sup>50</sup>.

Вилоятлардан юборилган ҳисоботлар ҳам Ўзбекистон ССР Молия министрлигига белгиланган муддатдан кечиктириб топширилган<sup>51</sup>. Умуман, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, пахта яккаҳоқимлигини мустаҳкамланиши жараёнида солиқ

<sup>44</sup> ЎзМА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 6190-йиғмажилд, 5-варак.

<sup>45</sup> ЎзМА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 6190-йиғмажилд, 8-варак.

<sup>46</sup> Қашқадарё ВДА, 51-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғмажилд, 8-9-вараклар.

<sup>47</sup> ЎзМА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 6190-йиғмажилд, 123-варак.

<sup>48</sup> ЎзМА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 6190-йиғмажилд, 120-варак.

<sup>49</sup> ЎзМА, Р-93-фонд, 15-рўйхат, 2833-йиғмажилд, 61-варак.

<sup>50</sup> ЎзМА, Р-93-фонд, 15-рўйхат, 3898-йиғмажилд, 2-варак.

<sup>51</sup> ЎзМА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 6190-йиғмажилд, 4-варак.

тизимини такомиллаштириш ҳам асосий масалалардан бирига айланди.

Диссертация ишининг учинчи боби “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги солиқларини ундириш, солиқ тизими соҳасида кадрлар сиёсати” деб номланиб, унда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги солиқларининг йиғими, солиқ тизимига кадрлар сиёсатидаги муаммолар кўриб чиқилган.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ихтисослашган асосий республикалардан бири бўлганлиги сабабли, экин майдонларини кенгайтириш, пахта экишни кўпайтириш билан бир қаторда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатишга, солиқ тизимини тўғри ташкил этишга эътибор кучайтирилди.

Таъкидлаш жоизки, 1948 йили колхозлардан олинадиган даромад солиғи 168.630 минг рублни, қарздорлик эса 1 январь ҳолатига 11.409 минг рублни ташкил этди. Бу ҳолат вилоятлар кесими бўйича қуйидаги бўлган: Тошкент вилояти – 5393, Фарғона вилояти – 1248, Андижон вилояти – 259, Наманган вилояти – 500, Самарқанд вилояти – 1716, Бухоро вилояти – 713, Қашқадарё вилояти – 505, Сурхондарё вилояти – 291, Хоразм вилояти – 385, Қорақалпоғистон АССР – 399 минг рублга тўғри келган<sup>52</sup>. Баъзи ҳолатларда молия органлари қонун ҳужжатларида кўрсатилган интизомий ундириш чораларини қўллаган, яъни солиқни ўз вақтида тўланмаганлиги учун ишларни судга оширган, суд қарори билан Давлат банкидаги жорий ҳисобларни тўхтатиб қўйган. Бундай ҳолат Тошкент вилоятида – 21, Фарғона вилоятида – 34 та, Самарқанд вилоятида – 77, Қашқадарё вилоятида – 15 мартагача кузатилган<sup>53</sup>. Бироқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилмаган. Натижада 1949 йилда кўп вилоятлар қарздорлик билан чиққан бўлса, республика бўйича қарздорлик миқдори 14,0 млн. рублни ташкил этди.

